

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТАШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МУХАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНФРАСТРУКТУРА ФАКУЛЬТЕТИ

“Геодезия ва кадастр” кафедраси

КАРТАЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ ВА ТУЗИШ

фанидан

РЕФЕРАТ

Бажарди: 49-12 ГКК гурӯҳ талабаси
Холтурсунова Ю

Кабул килди: катта ўқитувчи
Гульмурзаева Р.Е.

Ташкент 2015

Умумгеографик карталарни лойихалаш ва тузишда аэро ва космик маълумотлардан фойдаланиши

РЕЖА:

- 1. Аэро ва космик съемкалар ёрдамида топографик карталарни яратиш*
- 2. Картографик ишлар*
- 3. Аэро ва космик фотосуратларни ўқиши (десифровка қилиши)ни географик асослари ва генерализация даражаси*

1. Аэро ва космик съемкалар ёрдамида топографик карталарни яратиш

Бу бўлимда картани тузиш учун катта аҳамиятга эга бўлган аэро ва космик фотосуратларнинг съемка вақти, маршрутат ва йўналаишларни танлаш. Ўзига хос хусусиятга эга бўлган характерли аэро ва космофотосуратларни ажратиш йўллари кўрсатилади. Масалан, дарё водийларнинг кесишган жойлари, сув айирғичларнинг туташган ерлари, воҳалар ва водийлар, адрё ва каналлар ёқасидан ўтган трассалар,



шўрхоклар, кўллар ва ҳоказо жойларнинг аэро ва космофотосуратлари.

Жуда чалкаш ва ўқилиши қийин бўлган аэро ва космо фотосуратларни, яъни шаҳарлар, шаҳар атрофидаги ерлар, саноат зоналари,

антропоген таъсир кучли бўлган ландшафтлар, табиий жиҳатдан мураккаб бўлган географик ҳудудлар ва ҳоказо ерлар учун, олинган аэро ва космик фотосуратлар масштабига нисбатан йирикроқ бўлган масштабларда қайта съемка қилиш ишларини лойиҳалаштириш мумкин. қайта ва қўшимча аэро ва космофото съемка қилиш ишлари, аввалдан картограф-редактор томонидан белгиланади.



2. Картографик ишлар

Лойиҳанинг картографик ишлар бўлимида аэро ва космик фотосуратларни ўқиши (дешифрование) ва карта нусхасини тузиш бўйича кўрсатмалар берилади. Аэро ва космик фотосуратларни дала шароитида ўқиши лойиҳалари, эталонлари ва маршрутларининг дастлабки вариантилари тайёрланади. қайтадан съемка ўтказиладиган ҳудудлар аниқланади.

Карта тузиш ишларида қўлланиладиган технологик ишлари аниқланади. Камерал ишлар ҳисобига дала экспедицион ишларни камайтириш йўллари кўрсатилади. Аэро ва космофотосуратларни ўқишида ишлатиладиган Янги аппаратуралар, яримавтомат қурилмалар фойдаланиш ва уларни иш жараёнида фойдаланиш усуллари кўрсатилади. Янги техника ва технологиялардан фойдаланиб картани дастлабки нусхасини тузиш ва нашр оригиналини тайёрлаш жараёнлари батафсил баён қилинади.

Картани лойиҳалаштириш қўйимдаги уч босқични ўз ичига олади:

1-босқич. Картани лойиҳалаштириши, уни концепциясини ишлаб чиқши, карта дастурини тузиши ва барча керакли ҳужжатларни тайёрлаш. Мазкур босқичда қўйидаги ишлар бажарилади:

- карта мақсадини аниқлаш ва белгилаш. Унинг маъносига, мазмунига ва жиҳозланишига қўйиладиган талабларни аниқлаш;
- картани тузиши учун керакли маълумотларни йигиши, таҳлил қилишва баҳолаши;
- картага олинадиган ҳудудни ўрганиши ва у ердаги воқеа, ҳодиса ва жараёнларни ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- бўлажак карта дастурини (программасини) тайёрлаш;
- буюртмачи билан биргаликда техник, ташкилий ва картани осон ва арzon йўл билан сифатли қилиб тайёрлаш йўлларини ишлаб чиқши.

2-босқич. Картани дастлабки нусхасини (оригиналини) тайёрлаш учун ташкилий ва амалий ишларни бажарши. Бу босқичда қуийидаги ишлар бажарилади:

- карта мазмунни ва маъносини тузии учун ишлатиладиган маълумотларни тайёрлаши ва уларни қайта ишилаш;
- картани математик асосини, яъни масштаби, проекцияси, ўлчамлари ва компоновкасини ишлаб чиқиши;
- карта мазмуни, маъноси ва легендасини ишлаб чиқиши;
- карта маъносини масштаб аниқлигида генерализация қилиб, унинг оригинални (нусхасини) техник ва график жиҳатдан сифатли тузии (чизиши);
- картани жиҳозлаш;
- карта тузишнинг барча этапларида ун маъноси ва сифатини редакция ва корректура қилиши;

3-босқич. Картани нашрга тайёрлаш ва чоп этиши. Бу босқич қуийидаги жараёнларни ўз ичига олади:

- нашр оригинални тайёрлаш;
- нашр формаларини тайёрлаш;
- картани нашр қили шва тиражини кўпайтириш;
- картани нашрга тайёрлаш ва нашр қилишининг барча босқичларида редакция ва корректура ишларини олиб бориши.

Бўлажак картанинг дастурида (программада) муаллифлик макетини (нусхасини) яратиш учун қуийидаги тавсиялар берилади: қайси географик манбалардан қандай қилиб фойдаланиш, қайси проекция ва масштабда



карта легандаларини ишлаб чиқиши күрсатилади.

Дастурнинг технологик қисмидаги тузилаётган картани яратишда фойдаланиш мумкин бўлган янги технологик усувлар, яъни компьютерлардан, ЭҲМ лардан ва бошқа янги асбоб-ускуналардан фойдаланиш имкониятлари кўрсатилди.

Карта мазмунини яратишда шартли белгиларни ва картографик тасвирлаш усувларини танлаш ва уларни жойида ишлата билиш керак. Шартли белгилар ва тасвирлаш усувлари оддий шаклда, карта, мазмунга лойик танланиши зарур, шу билан бирга ҳозирги замон технологиясига мос бўлиш керак.

Картографик корхоналарда махсус шартли белгилар фотоальбом мавжуд бўлиб, ўша альбомдан фойдаланилади.

Карта тузишда легенданинг аҳамияти каттадир, шунинг учун ҳам легенда картанинг калити деб ҳам юритилади. Чунки у карта мазмунини


муаллифлик нусхаси тузиш керак, ҳар бир нусха учун махсус формуляр тутилади, унда картографик манбалар кўрсатилади.

Дастурда тахрир қилиш, тузиш ва лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган масалалар ечими кўрсатилади. Масалан, тахрир қилиш кўрсатмасини ёзиш ва

очиб беради. Картани ўқишдан илгари унинг легендасини билан танишилади. Картанинг легендаси карта программаси билан бирга ишлаб чиқилади.



Легенда ишлаб чиқиша шартли белгилар карта мазмунига мос бўлибина қолмасдан, мантииқ жиҳатдан ҳам тўлиқ, содда, ўқувчан ва қисқа бўлиши зарур. Комплекс легенда, типологик ҳамда синтетик легендалар мавжуд. Масалан, синтетик легендалар ландшафт карталарида кўпроқ ишлатилса, типологик легенда илмий тасниф билан боғлик бўлган карталарда фойдаланилади.



Мавзули карталарнинг муаллифлик макетлари (нусхаси) илмий текшириш институтлари, олий ўқув юртлари ва маҳсус ихтисослашган ташкилотлардаги юқори малакали мутахассислар, карта мавзуси бўйича ишлайдиган кишилар ва картограф мухаррирлар томонидан тузилади.

Карта муаллифлари қўйидаги тартибда иш олиб бориши мумкин:

- карта тузииш гояси пайдо бўлгандан сўнг унинг мазмунин аниқланади;
- картани дастури тузилади;
- манбалар ўрганилиб чиқилади;
- картанинг дастлабки легендаси ишилаб чиқилиб кўрсатгичлар аниқланиб шкалалар танланади;
- картанинг дастлабки эскизи нусхаси тайёрланади;
- карта мазмунини бойитши учун қўшимча кесма карталар, графиклар, схемалар тайёрланади;
- картанинг тўлиқ легендаси ишилаб чиқилади;
- картанинг муаллифлик нусхаси тузилади;
- муаллифлик нусхасига тушуунтириши хати ёзилади.


Картани (программаси) дастури картограф-муҳаррир билан биргалиқда тузилиши яхши фойда беради.

Муаллифлик нусхаси таҳририят томонидан қабул қилинади. Картографик корхоналарда муаллифлик нусхаси юқори савияда бажарилган ва ҳамма қонун-қоидаларга тўлиқ жавоб беради деб топилса, унинг тузиш нусхасиз тўғридан-тўғри нашр қилиш жараёнига ўтказса бўлади. Бунда иш жараёни қисқаради ва нашр қилиниши тезлашади.

Географик ва мазвули атлас карталарини лойиҳалаш оддий карта тайёрлашдан фарқ қиласи, унда атлас мавзуси асосида иш олиб борилади.

Атлас карталари масштаби ва проекциясига ката эътибор берилиб компоновкага лойик қилиб танланади.

Атласларнинг ҳамма карталар умумгеографик ва типографик объекларни ифодалаш учун бир хил шартли белгилар танланади, атласдаги мавзуули карталар учун эса алоҳида легенда ишлаб чиқилади.



Атлас карталарини жойлаштиришда, уларнинг кетма-кетлигига катта эътибор берилиб, карталар мазмуни ва аҳамиятига қараб масштаб танланади. Карталар учун бир неча хил географик асос яратилади. Бунда генерализация даражаси масштаб асосида танланади.

Атлас карталарининг шартли белгилари, шрифтлар, ранг билан жиҳозланиши олдиндан атлас дастурида кўрсатилгандек бир мазмунга бўйсуниши керак.

Атласни лойиҳалашнинг ўзига хос хусусияти бор. Атласнинг олдига кўйган мақсадига, карталар сонига ва мураккаблигига ҳамда техникавий характеристикасига эътибор берилади. Атласнинг математик асоси унинг мақсади ва қандай лойиҳаланишига боғлиқ.


Географик ва мавзули атласлар яратилишнинг яна бир хусусияти шуки, унинг таркиби га киритиладиган ҳамма карталар бирданига нашрга тайёрланмайди, балки бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдирадиган карталар групхлари дастлаб тузилади, анна шундан кейин карталарни нашрга тайёрлаш жараёнига топшириш мумкин.



Карта ва атласларни тайёрлашда уларни лойиҳалаш энг мураккаб ва масъулиятли иш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу жараёнга катта эътибор берилди.

3. Аэро ва космик фотосуратларни ўқии (дешифровка қилиши)ни географик асослари ва генерализация даражаси

Картограф мухаррирнинг асосий бажарадиган ишларидаги бири топографик картаси яратилаётган жойни хақиқий юзасини аэросуратлар асосида тўлиқ- ўрганишдан иборат. Аэросуратлар олиш ва уни ўқиш ҳамда фойдаланиш жараёнлари фотограмметрия фанида ўқитилганлиги сабабли унга тўхталиб ўтирмаймиз. Аэросуратларни географик жиҳатан дешифровка қилишда географик методларга асосланади. Шунинг учун картограф-



муҳаррир шу соҳада етарли маълумотга эга бўлиши керак. Айниқса ер юзасининг рельефи, гидрографияси, ўсимлик дунёси ва ҳоказолар ҳақида етарли билмиға эга бўлиш керак. Масалан, Россия ландшафти билан Ўрта Осиё худудларини ландшафтини бир хил эмаслиги. Тоғли билан тоғ олди текислиги, экспозициясини таъсири, рельеф қонуниятлари, дарёларнинг меандра ҳосил қилиб оқиши, эрозия жараёни ва бошқалар аэросуратларда қандай тасвирланиши тўғрисидла муҳаррирнинг хабари бўлиш керак. Аэросурат ер юзасини маълум бир вақтдаги тасвири бўлиб, у анча мураккаб, бўлиб уни ўқиш ҳам мураккаб ишdir.

Аэросуратларни ўқиб, ундан етарли даражада маълумотлар олиш учун уни чуқур таҳлил қила билиш керак. Яъни асосий ландшафт турлари ва қўшимча ландшафтлар турлари, уларни ўрни ва структураси, рельефни ўзига хос шаклларини, тоғларда (тик қоя, ётиқ қатламли, қоя тошли ва ўсимликли, ўсимликсиз ва ҳоказо) чўл зоналарда ўсимликлар орқали ҳам аниқлаш мумкин. Сув ва антропоген таъсирида вужудга келган ўзгаришлар тўғрисида тўлиқ тушунча бўлиб, уни дешифровка қилишда фойдаланиш зарур. Инсон

томонидан яратилган ўзгаришлар билан табиат томонидан яратилган ўзгаришлар фарқини билиб ишлатиш керак.

Гидрографик қўрсатгичлардан ҳам фойдаланиш керак, аэросуратларда гидропостлар ва метеостанциялар, гидростанциялар ва уларни қўрсаткичлари, сув оқим тезлиги, музлаш даври ва бошқа маълумотлар қўрсатилади. Ундан ташқари шу ҳудудни маъмурий картаси вилоят туманлар ва фермер хўжаликларини чегаралари берилади. Схемалар, тузилаётган карта масштабига нисбатан майдароқ масштабда тузилади. Масалан, 1:10000

учун 1:100000. Дала ишлари тамом бўлгандан сўнг ҳар бир иш бажарувчи топограф томонидан карта тузилган жой учун географик жиҳатжан таърифлаб ёзилган ҳужжат топширилади. Бу ёзилган географик ҳужжат топографик карталарни тузиш нусхасини ва нашр қилиш нусхасини таҳрир қилишда фойдаланиш мумкин. Далада таҳрир қилишни ташкил қилиш ҳар бир ҳудуд

учун алоҳида ва отряд учун ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин топографик картани тўла мазмунли бўлишига асосан муҳаррир жавобгардир.

Топографик карталарни дала шароитда таҳрир қилишда қўйидаги ҳужжатлардан фойдаланилади.

1. ҳар бир топографик планга ёки картага маҳсус таҳририй қўрсатма ёзилади.
2. Аэросуратларни ўқиши учун андоза берилиб, уларни жойлаштириш схемаси қўрсатилади.



3. Шу ҳудуддаги ўсимликлар жойлашган майдонлар схемаси чизилиб айримларини номлари берилади.

4. Махсус геоморфологик схема берилиб, унда рельеф типлари, характеристики (карстли, сурилма ва жарлик ва ҳоказо) кўрсатилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Карталарни лойихалаш ва тузиш фанидан маъруза матни – 2015йил,
Р.Е.Гульмурзаева
2. Табиий карталарни лойихалаш ва тузиш- ўқув қўлланма, Тошкент -2011й,
Э.Ю.Сафаров, Ш.М.Пренов